МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ТУРКИЙЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ: ТАРИХИЙ САБОҚЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ИСТИҚБОЛ

Фазлиддин Равшанов
Renessans ta'lim университети профессори,
сиёсий фанлар доктори
Тўлқин Алимардонов
Renessans ta'lim университети профессори,
сиёсий фанлар доктори

Аннотация. Мазкур мақолада туркий халқларнинг тарихи, уларнинг кенг географик маконда тарқалиши ва сиёсий парокандалик сабаблари таҳлил қилинган. Шунингдек, тарихдаги туркий давлатлар бирлашуви тажрибалари ҳамда ташқи геосиёсий босимлар таъсири ёритилган. Муаллиф замонавий шароитда туркий давлатлар ўртасида маданий, иқтисодий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш заруратини асослаб, туркий маконда барқарор интеграцияни таъминлашнинг институционал механизмлари ва стратегик йўналишларини таҳлил қилади.

Калит сўзлар: *туркий халқлар, туркий цивилизация, туркий дунё, маданий интеграция, геосиёсий жараёнлар, иқтисодий интеграция, Евроосиё макони, Туркий давлатлар ташкилоти, транспорт ва логистика ҳамкорлиги, рақамли ҳамкорлик, институционал интеграция, минтақавий ҳамкорлик.*

Abstract. This article analyzes the history of Turkic peoples, their spread across a vast geographical area, and the causes of political fragmentation. It also examines historical experiences of unity among Turkic states and the impact of external geopolitical pressures. The author substantiates the need to develop cultural, economic, and technological cooperation among Turkic states in the modern context, and analyzes institutional mechanisms and strategic directions for ensuring sustainable integration

within the Turkic space.

Keywords: *Turkic peoples, Turkic civilization, Turkic world, cultural integration, geopolitical processes, economic integration, Eurasian space, Organization of Turkic States, transport and logistics cooperation, digital cooperation, institutional integration, regional cooperation.*

Ҳозирги кунда туркий халқлар дунёда жуда кенг ҳудудларда яшайди. Уларнинг айримлари — турклар, ўзбеклар, қозоқлар, озарбайжонлар, қирғизлар, туркманлар ҳамда венгерлар ўз мустақил давлатларига эга. Ушбу давлатлар ўртасида туркий интеграция ва ҳамкорликни ривожлантиришда Туркий давлатлар ташкилоти муҳим майдон вазифасини бажармоқда. Шу билан бирга, татарлар, бошқирдлар, чувашлар, олтойликлар, тувалар, сахалар, хакаслар, карачай-балкарлар каби бир қатор туркий халқлар Россия таркибида автоном республика ёки этник гуруҳ сифатида яшаб келмоқда. Шарқий Туркистондаги уйғурлар, шунингдек, салорлар ва сариқ уйғурлар ҳам Хитой таркибидаги туркий халқлар сифатида ўз миллий-этник хусусиятларини сақлаб қолиш масаласи билан юзма-юз турибди.

Бундан ташқари, Кавказ, Яқин Шарқ ва Европада ҳам кўплаб туркий этник гуруҳлар мавжуд. Қашқайлар Эронда, туркманлар Эрон ва Афғонистонда, ўзбеклар Афғонистонда, озарбайжонларнинг катта қисми Эронда, гагаузлар Молдовада, қараимлар Литва ва Украинада, қрим татарлари Қримда, Болқон турклари эса Болгария, Греция ва Шимолий Македонияда яшайди. Шунингдек, долганлар, нўғайлар, қумуқлар, қорақалпоқлар, шорлар ва телеутлар каби кичик сонли туркий гуруҳлар ҳам мавжуд. Умуман, бугунги кунда дунёда 30 га яқин туркий халқ ва этник гуруҳ бор бўлиб, уларнинг умумий сони 200 миллион кишидан ортиқ деб баҳоланади.

Туркий халқлар яшайдиган ҳудудлар Болқондан Сибир ва Хитойгача, Осиёдан Европагача чўзилган улкан географик маконни қамраб олади [9].

Тарихда бу кенг ҳудудларнинг катта қисми туркий давлатлар ва империялар таъсирида бўлган. Аммо вақт ўтиши билан улар босқичма-босқич бошқа давлатлар таркибига кириб кетди. XVI–XIX асрларда Россия империяси Волгабўйи, Сибир, Кавказ ва Марказий Осиё ҳудудларини босиб олди. Қозон хонлиги 1552 йилда, Астрахан хонлиги 1556 йилда истило қилинди [1]. Натижада татарлар, бошқирдлар, қозоқлар, қирғизлар ва бошқа туркий халқлар Россия ҳукмронлиги остида қолди. XVIII асрда Цин империяси Шарқий Туркистонни эгаллади [6]. Кавказ ва Эрон ҳудудларидаги айрим туркий халқлар эса турли тарихий истилолар натижасида Эрон таркибига кириб кетди [8].

1917 йилдан кейин Совет Иттифоқи ҳудудида туркий халқлар яшайдиган ерлар иттифоқ республикалари ва автоном тузилмаларга бўлинди. Бу жараён туркий халқларнинг бир неча давлат ва маъмурий ҳудудларга ажралишига, миллий чегараларнинг сунъий равишда белгиланишига олиб келди [3].

Бу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири туркий халқларнинг сиёсий парокандалиги эди. Улар тарихнинг турли даврларида ягона сиёсий марказ атрофида бирлашмаган, ўзларини ягона халқ ёки умумий цивилизацион макон сифатида етарли даражада англамаган. Масалан, Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги бир-биридан мустақил бўлиб, кўп ҳолларда ўзаро рақобатда яшаган.

Иккинчидан, туркий халқлар узоқ давр давомида технологик ва ҳарбий жиҳатдан орқада қолиб борди. XVIII–XIX асрларда Европа давлатлари артиллерия, замонавий армия ва саноат соҳаларида анча илгарилаб кетган эди. Бу устунлик уларга дунё сиёсий майдонида катта таъсир кўрсатиш имконини берди. Туркий давлатлар эса бундай ҳарбий-технологик қудратга эга бўлмагани сабабли халқаро сиёсатда етарли таъсир кучини сақлаб қола олмади.

Учинчидан, кўплаб туркий давлатларни ички низолар, сулолавий курашлар ва қабилавий рақобат заифлаштирди. Тахт учун курашлар, сиёсий беқарорлик ва

ўзаро ишончсизлик ташқи босқинларни осонлаштирди. Бу ҳолатнинг айрим кўринишлари бугун ҳам сиёсий тафаккур ва минтақавий муносабатларда сезилади. Гарчи Марказий Осиё давлатлари, Туркия ва Озарбайжон ўртасида ҳамкорликни кучайтиришга интилиш мавжуд бўлса-да, бу жараён ҳали тўлиқ институционал ва маънавий бирлик даражасига етгани йўқ.

Тўртинчидан, геосиёсий рақобат туркий халқлар қарамлигининг муҳим сабабларидан бири бўлди. XIX асрда Марказий Осиё Россия империяси ва Бирлашган Қироллик ўртасидаги “Катта ўйин” майдонига айланди [7]. Шу тариқа, туркий халқлар яшаган кенг ҳудудларнинг бошқа давлатлар қўлига ўтиши бир кунда эмас, балки бир неча аср давом этган сиёсий парокандалик, ҳарбий-технологик қолоқлик, ички низолар ва ташқи империялар экспансиясининг умумий натижаси сифатида юз берди.

Агар XIX асрда туркий халқлар сиёсий жиҳатдан бирлашганида, дунё геосиёсий харитаси бошқача шаклланиши мумкин эди. Албатта, бу шартли тарихий таҳлилдир, бироқ мавжуд тарихий шароитлардан келиб чиқиб, бир нечта эҳтимолий натижани кўрсатиш мумкин.

Аввало, Болқонлардан Марказий Осиё, Сибир ва Шарқий Туркистонгача чўзилган йирик туркий геосиёсий макон ёки конфедерация шаклланиши мумкин эди. Бундай бирлашма Каспий денгизи, Евроосиёнинг ички ҳудудлари ва муҳим савдо йўллари устидан стратегик таъсирга эга бўларди.

Иккинчидан, Россия ва Хитой экспансияси маълум даражада чекланиши мумкин эди. Туркий халқларнинг табиий ресурслари, демографик салоҳияти ва географик имкониятлари уларнинг ўз тараққиётига хизмат қилган бўларди.

Учинчидан, туркий халқлар Евроосиёнинг муҳим стратегик маркази — Хартланд ҳудудида кучли сиёсий субъектга айланиши мумкин эди [9]. Аҳоли сони, хомашё захиралари, савдо йўллари ва Европа билан Осиёни боғловчи

кўприк сифатидаги мавқе уларга Россия, Хитой ва Европа ўртасидаги кучлар мувозанатига таъсир кўрсатиш имконини берган бўларди.

Тўртинчидан, халқаро савдо йўллари геосиёсати ҳам бошқача ривожланиши мумкин эди. Туркий ҳудудлар қуруқлик савдосининг марказида жойлашгани сабабли, ягона туркий сиёсий макон Европа–Хитой савдосида муҳим транзит кучга айланиши, транспорт ва савдо инфратузилмасини ривожлантириш орқали катта иқтисодий фойда кўриши мумкин эди.

Бешинчидан, маданий, тил, таълим ва қадриятлар бирлиги анча кучли сақланиши эҳтимол эди. Сиёсий бирлашув туркий тиллар ўртасидаги яқинликни мустаҳкамлаши, умумий адабий тил ва ягона маърифий макон шаклланишига хизмат қилиши мумкин эди. XIX аср охири ва XX аср бошларида жадидлар томонидан илгари сурилган маърифий янгиланиш ва туркий бирлик ғоялари ҳам ана шу эҳтиёжни акс эттирган.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрда туркий халқларнинг сиёсий бирлашуви амалга ошмаганининг асосий сабаблари сиёсий парокандалик, ички рақобат, ташқи империяларнинг ҳарбий устунлиги, иқтисодий ва технологик орқада қолиш ҳамда умумий стратегик тафаккурнинг етарли даражада шаклланмагани билан боғлиқ эди. Агар бундай бирлашув амалга ошганида, Евроосиёда Россия, Хитой ва Европа ўртасидаги кучлар мувозанати мутлақо бошқача бўлиши, туркий халқлар эса улкан геосиёсий мавқега эга бўлиши мумкин эди.

Тарихда туркий халқлар катта сиёсий бирлашувга энг яқин келган бир неча муҳим даврлар бўлган. Бу даврларда туркий давлатлар кенг ҳудудларни назорат қилган, туркий дунёда муайян сиёсий ва маданий бирлик шаклланган. Илмий нуқтаи назардан бундай босқичлардан учтасини алоҳида ажратиш мумкин.

Биринчиси – VI-VIII асрларда мавжуд бўлган Кўктурк хоқонлиги давридир [4]. Бу хоқонлик туркий халқлар тарихидаги илк йирик сиёсий бирлашув ҳисобланади. У Олтой ҳудудида шаклланиб, қисқа вақт ичида Марказий

Осиёдан Қора денгизгача бўлган кенг маконни назорат қилган. Айнан шу даврда туркий халқлар тарихда биринчи бор “турк” номи остида қудратли давлат тузиб, умумий сиёсий ва маданий асос яратган.

Иккинчиси – XIV-XV асрларда Амир Темур асос солган Турон давлати ва Темурийлар давридир [2]. Бу давлат туркий цивилизациянинг энг кучли марказларидан бири бўлган. Самарқанд жаҳон сиёсий ва маданий ҳаётининг муҳим марказига айланган, туркий маданият, илм-фан ва давлатчилик анъаналари юксак тараққий этган.

Учинчиси – XIV-XX асрларда мавжуд бўлган Усмонлилар империясидир [5]. У туркий халқлар тарихидаги энг узоқ яшаган ва энг йирик империялардан бири бўлиб, 600 йилга яқин Европа ва Осиё ўртасидаги муҳим геосиёсий куч маркази сифатида фаолият юритган. Бироқ ички зиддиятлар, сиёсий рақобат ва умумий бирликнинг заифлашуви бу империянинг ҳам XX аср бошида парчаланишига сабаб бўлди.

Бу уч тарихий тажриба шуни кўрсатадики, туркий давлатларнинг заифлашувида ташқи босим билан бирга ички парокандалик, сулолавий курашлар ва стратегик бирликнинг етишмаслиги ҳам муҳим омил бўлган. Агар бу давлатлар кенгроқ сиёсий тафаккур ва мустаҳкам институционал бирликка эга бўлганида, туркий халқлар ягона сиёсий макон сифатида Евроосиёда йирик қудрат марказига айланиши мумкин эди.

Нима учун туркий халқлар европаликлар каби доимий цивилизацион иттифоқ ярата олмаган? Бу саволга бир нечта тарихий омиллар орқали жавоб бериш мумкин.

Аввало, географик омил катта аҳамиятга эга. Туркий халқлар Олтойдан Болқонгача бўлган улкан Евроосиё маконида тарқалиб яшаган. Бундай кенг ҳудудда марказлашган сиёсий тизимни узоқ муддат сақлаб қолиш қийин эди. Масалан, Кўктурк хоқонлиги катта ҳудудни назорат қилган бўлса-да,

масофаларнинг узоқлиги ва бошқарув мураккаблиги сабабли шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетган.

Иккинчидан, ижтимоий-сиёсий тузум хусусиятлари ҳам муҳим омил бўлган. Туркий халқларнинг катта қисми тарихан кўчманчи ёки ярим кўчманчи ҳаёт тарзига эга бўлган. Бу ҳолат давлатчиликнинг кўпинча қабилавий ва ҳарбий иттифоқлар шаклида ривожланишига олиб келган. Бундай тизимлар ҳарбий жиҳатдан самарали бўлса-да, барқарор бюрократик давлатни узоқ муддат сақлаш учун етарли институционал асос ярата олмаган.

Учинчидан, сиёсий парокандалик ва сулолавий рақобатлар туркий давлатларни заифлаштирган. Ҳокимият учун курашлар, ички низолар ва ворислар ўртасидаги рақобат кўплаб давлатларнинг парчаланишига сабаб бўлган. Масалан, Амир Темур вафотидан кейин ворислар ўртасидаги кураш Темурийлар давлатининг бирлигини сусайтирган.

Тўртинчидан, ташқи геосиёсий босим ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Туркий халқлар яшаган Евроосиё ҳудудлари доимо йирик империялар манфаатлари тўқнашган майдон бўлган. XIX асрда Марказий Осиё Россия ва Британия империялари ўртасидаги “Катта ўйин” марказига айлангани туркий давлатларнинг мустақил ривожланиш имкониятларини чеклаб қўйган.

Бешинчидан, туркий дунёда ягона маданий ва сиёсий марказ доимий шаклда сақланмаган. Туркий сиёсий марказлар турли даврларда Марказий Осиё, Анатолия ёки бошқа ҳудудларга кўчиб турган. Усмонлилар даврида Истанбул муҳим сиёсий марказга айланган бўлса-да, у бутун туркий дунёга тўлиқ таъсир ўтказа олмаган.

Шу билан бирга, туркий халқлар ўртасида тил, маданият ва тарихий хотира бирлиги бутунлай йўқолмаган. Ҳозирги кунда Туркий давлатлар ташкилоти каби тузилмаларнинг фаолияти бу умумийликнинг замонавий шароитда ҳам сақланиб қолаётганини кўрсатади [10].

Хулоса қилиб айтганда, туркий халқлар узоқ муддатли ягона цивилизацион иттифоқни сақлаб қола олмаганининг асосий сабаблари улкан географик макон, кўчманчи ижтимоий тузум, ички сиёсий рақобатлар, ташқи империялар босими ва доимий сиёсий марказнинг шаклланмагани билан боғлиқ. Бироқ бу омиллар туркий халқларнинг умумий тарихи, тили ва маданий алоқаларини йўққа чиқармаган; аксинча, улар турли даврларда турлича шаклларда намоён бўлиб келган.

Бугунги глобал жараёнларга назар ташланса, давлатлар ва халқлар ўртасида иқтисодий, технологик ва геосиёсий рақобат кучайиб бораётгани кўринади. Айрим таҳлилчилар бу ҳолатни “янги геосиёсий рақобат даври” деб баҳоламоқда. Шундай шароитда туркий халқлар учун туркийлик дунёқарашини шакллантириш, ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ва узоқ муддатли стратегик фикрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Аввало, туркий халқлар замонавий геосиёсий реалликни тўғри баҳолашлари зарур. Мустақил туркий давлатлар Евроосиёнинг муҳим стратегик минтақасида, Европа, Яқин Шарқ ва Осиё ўртасидаги геосиёсий кўприкда жойлашган. Бу маконда Россия, Хитой, Европа Иттифоқи ва АҚШ каби куч марказларининг манфаатлари кесишмоқда. Шу сабабли туркий давлатлар ташқи рақобатни ҳисобга олган ҳолда, мувозанатли ва прагматик сиёсат юритишлари керак.

Иккинчидан, кучлар тенгсизлиги шароитида туркий давлатлар ўзаро рақобат эмас, ҳамкорлик йўлини танлаши лозим. Тарих туркий давлатлар ўртасидаги парокандалик умумий салоҳиятни заифлаштирганини кўрсатади. Шунинг учун замонавий шароитда асосий йўналиш конфронтация эмас, балки институционал ҳамкорлик бўлиши керак. Бу борада Туркий давлатлар ташкилоти сиёсий, иқтисодий, транспорт ва таълим соҳаларидаги мулоқотни чуқурлаштириш учун муҳим платформа ҳисобланади.

Учинчидан, иқтисодий интеграция туркий бирликнинг асосий таянчларидан бири бўлиши зарур. Ҳозирги дунёда давлат қудрати кўп жиҳатдан иқтисодий ва технологик салоҳият билан белгиланади. Қозоғистон ва Туркманистон энергия ресурслари, Ўзбекистон саноат ва демографик имкониятлари, Туркия эса саноат ва логистика салоҳияти билан ажралиб туради. Агар бу имкониятлар мувофиқлаштирилган иқтисодий стратегия асосида бирлаштирилса, Евроосиёда таъсирли туркий иқтисодий макон шаклланиши мумкин.

Тўртинчидан, транспорт ва савдо йўлларини ривожлантириш устувор вазифалардан бири бўлиши лозим. Туркий давлатлар тарихан Буюк ипак йўли марказида жойлашган. Бугун ҳам Каспий орқали Европа ва Осиёни боғлайдиган транспорт йўлакларини ривожлантириш туркий давлатларга халқаро савдода стратегик мавқе бериши мумкин.

Бешинчидан, илм-фан ва технологияга сармоя киритиш биринчи даражали масалага айланиши керак. XXI асрда давлатларнинг қудрати инновация, рақамли иқтисодиёт ва илмий тадқиқотлар билан белгиланмоқда. Шунинг учун туркий давлатлар университетлар, илмий марказлар ва технология парклари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириши, умумий таълим ва илмий алмашув дастурларини кенгайтириши зарур.

Олтинчидан, маданий ва тил яқинлигини чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Туркий халқлар ўртасидаги тил, тарих ва маданият умумийлиги ишончни мустаҳкамлайди, иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликни осонлаштиради. Бироқ бу жараён маданий хилма-хиллик ва ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида амалга оширилиши лозим.

Еттинчидан, туркий халқлар ўртасида халқаро институтлар сони ва самарадорлигини ошириш, шу асосда мувозанатли ташқи сиёсат юритиш зарур. Туркий давлатлар бир томонлама қарамликка тушиб қолмасдан, турли куч

марказлари билан манфаатли ҳамкорликни сақлаши керак. Бундай ёндашув замонавий дипломатияда “кўп векторли сиёсат” сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Демак, XXI асрда туркий халқлар учун энг самарали стратегия рақобат ёки экспансия эмас, балки иқтисодий интеграция, илм-фан ва технологияга сармоя, транспорт ва савдо ҳамкорлиги, маданий яқинлик ҳамда институционал бирликни кучайтиришдир. Бу омиллар уйғунлашса, туркий давлатлар Евроосиёда барқарор, таъсирли ва истиқболли минтақавий макон шакллантириш имкониятига эга бўлади.

Маданий интеграция туркий халқларни қайтадан ягона сиёсий иттифоққа бирлаштиради, деб айтиш реалистик эмас. Бироқ у халқлар ўртасида яқинлик, ўзаро ишонч ва узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим стратегик омил бўла олади. Замонавий халқаро муносабатларда кўплаб интеграция жараёнлари айнан маданий, таълим ва иқтисодий алоқалардан бошланган.

Туркий халқлар ўртасида маданий интеграция учун тил яқинлиги, умумий тарихий мерос, адабиёт ва маданият ўхшашлиги каби табиий асослар мавжуд. Бу борада Туркий давлатлар ташкилоти доирасида таълим ва маданий ҳамкорлик дастурлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, TURKSOY каби ташкилотлар ҳам туркий маданий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Агар маданий интеграция изчил ривожланса, халқлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатлик кучаяди, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик учун қулай муҳит шаклланади. Таълим, илм-фан ва маданий алмашувлар янги авлодлар ўртасида умумий маданий маконни мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, маданий яқинлик бизнес, дипломатия ва жамоатчилик алоқаларида ҳам ишончни оширади.

Бироқ маданий интеграциянинг чекловлари ҳам мавжуд. У автоматик равишда сиёсий бирлашувга олиб келмайди. Чунки ҳар бир давлатнинг миллий манфаатлари, геосиёсий йўналишлари ва иқтисодий ривожланиш даражаси

турлича. Шу сабабли маданий интеграция мустақил давлатларни ягона сиёсий иттифоққа айлантирувчи эмас, балки уларни яқинлаштирувчи кучли омил сифатида қаралиши лозим. Европа тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, маданий яқинлик ягона давлат тузишга эмас, балки иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик тизимини шакллантиришга хизмат қилиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, маданий интеграция туркий халқларни бир давлатга бирлаштириш воситаси эмас, балки туркий дунёда узоқ муддатли ишонч, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини яратиш омилидир. Агар маданий, таълим ва илмий ҳамкорлик изчил ривожланса, туркий дунё сиёсий эмас, балки маданий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик макони сифатида шаклланиши мумкин.

Бугунги реалликда Россия, Хитой, Европа Иттифоқи каби йирик куч марказлари таъсири шароитида туркий халқлар қандай яқинлашиши мумкин, деган савол табиий равишда туғилади. Замонавий геосиёсатда туркий давлатлар жойлашган макон Евроосиёнинг муҳим стратегик ҳудудларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли яқинлашув тўғридан-тўғри қарама-қаршилик орқали эмас, балки ақлли, босқичма-босқич ва институционал ҳамкорлик орқали амалга оширилиши керак.

Биринчи йўл – туркий давлатлар ўртасида ишонч ва бирдамлик муҳитини кучайтиришдир. Тарихда ташқи босимдан кўра ички рақобат ва парокандалик кўпроқ муаммо туғдирган. Шунинг учун мунтазам сиёсий мулоқот, парламентлараро ва ҳукуматлараро ҳамкорлик, интеграция масалалари бўйича маслаҳатлашувлар янада ривожлантирилиши зарур. “Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви” каби форматларни соҳавий йўналишларда ҳам кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи йўл – иқтисодий интеграцияни кучайтиришдир. Геосиёсий мустақилликнинг асоси иқтисодий қудратдир. Туркий давлатлар ўзаро савдо, инвестиция ва саноат кооперациясини кенгайтирса, ташқи иқтисодий

босимларга нисбатан барқарорроқ бўлади. Марказий Осиёнинг энергия ва демографик ресурслари, Туркиянинг саноат ва технология салоҳияти бир-бирини тўлдириши мумкин.

Учинчи йўл – транспорт ва логистика тизимларини мувофиқлаштиришдир. Туркий давлатлар Европа ва Осиёни боғлайдиган муҳим транзит ҳудудда жойлашган. Агар транспорт йўлаклари, Каспий орқали ўтадиган савдо маршрутлари ва логистика инфратузилмаси биргаликда ривожлантирилса, туркий маконнинг геоиқтисодий аҳамияти янада ортади.

Тўртинчи йўл – билим, технология ва инновация соҳасида ҳамкорликни кучайтиришдир. XXI асрда геосиёсий таъсир фақат ҳарбий куч билан эмас, балки илм-фан, рақамли технологиялар ва инновация билан белгиланади. Шунинг учун туркий давлатлар университетлар консорциумлари, илмий марказлар, технология парклари, сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиёт соҳаларида қўшма дастурларни ривожлантириши лозим.

Бешинчи йўл – маданий ва гуманитар маконни мустаҳкамлашдир. Тил, тарих ва маданий яқинлик туркий халқларнинг табиий стратегик ресурси ҳисобланади. Маданий алмашувлар, таълим дастурлари, умумий медиа лойиҳалар ва илмий форумлар халқлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди.

Олтинчи йўл – мувозанатли ташқи сиёсат юритишдир. Туркий давлатлар ташқи кучлар билан муносабатларда кескин қарама-қаршилик эмас, балки кўп векторли ва прагматик дипломатия йўлини танлаши мақсадга мувофиқ. Улар турли куч марказлари билан манфаатли ҳамкорликни сақлаган ҳолда, туркий дунё ичидаги интеграция мақсадларига ҳам содиқ қолишлари зарур.

Хулоса қилиб айтганда, туркий халқлар ва давлатлар ташқи геосиёсий босимлар шароитида яқинлашишни рақобат ёки қарама-қаршилик орқали эмас, балки ички бирдамлик, иқтисодий интеграция, транспорт ҳамкорлиги, билим ва технологияда шериклик, маданий-гуманитар алоқалар ҳамда мувозанатли ташқи

сиёсат орқали амалга ошириши мумкин. Бу омиллар уйғунлашса, туркий макон Евроосиёда барқарор, таъсирли ва истиқболли минтақавий ҳамкорлик тизимига айланади.

Бугунги шароитда туркий халқлар ўртасида рақамлашув ва технологик ҳамкорликни кучайтириш яқинлашувнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиши мумкин. Чунки XXI асрда геосиёсий таъсир фақат ҳудуд ёки ҳарбий куч билан эмас, балки технология, маълумот ва инновация салоҳияти билан ҳам белгиланмоқда. Рақамли иқтисодиёт замонавий давлат қудратининг муҳим таркибий қисмига айланган.

Агар туркий давлатлар рақамли инфратузилмани биргаликда ривожлантирса, бу иқтисодий интеграцияни тезлаштиради, савдо ва логистика самарадорлигини оширади, билим ва инновация алмашувини кучайтиради. Бунинг учун туркий давлатлар ўртасида рақамли ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи махсус платформалар ва институционал механизмлар зарур. Умумий рақамли экотизим шаклланса, электрон ҳукумат тизимлари яқинлашади, давлат хизматларини рақамлаштириш бўйича тажриба алмашиш самарадор бошқарувга хизмат қилади. Шунингдек, рақамли савдо платформалари, финтех хизматлари ва онлайн иқтисодий алоқалар туркий давлатлар ўртасидаги савдо-инвестиция муносабатларини кенгайтириши мумкин.

Рақамлашув илмий ва технологик кластерлар ривожига ҳам туртки беради. Университетлар, технопарклар, медиа марказлар ва илмий муассасалар ўртасидаги ҳамкорлик инновацияларни тезлаштиради. Интернет ва рақамли медиа платформалар орқали таълим алмашуви, маданий лойиҳалар ва онлайн илмий ҳамкорлик кенгаяди. Шу маънода, рақамлашув нафақат иқтисодий, балки маданий ва гуманитар яқинлашувга ҳам хизмат қилади.

Туркий давлатлар жойлашган ҳудуд геоиқтисодий жиҳатдан Евроосиёнинг муҳим транзит макони ҳисобланади. Бу макон тарихан Буюк ипак йўли

марказида бўлган. Агар рақамли технологиялар, транспорт ва логистика тизимлари уйғун ривожлантирилса, туркий ҳудудлар яна Евроосиё савдосининг муҳим марказига айланиши мумкин. Бироқ бунинг учун киберхавфсизликни таъминлаш, маълумот алмашуви стандартларини мувофиқлаштириш ва рақамли инфратузилмага сармоя киритиш каби вазифалар ҳал қилиниши лозим.

Шу билан бирга, туркий халқларни замонавий шароитда яқинлаштириш учун фақат маданий ёки тарихий алоқалар етарли эмас. Бу жараён кучли институционал тизимлар орқали мустаҳкамланиши керак. Чунки айнан институтлар сиёсий, иқтисодий, технологик ва маданий ҳамкорликни доимий ва барқарор жараёнга айлантиради. Бу борада ҳукуматлар, парламентлар ва соҳавий идоралар даражасида мунтазам маслаҳатлашувлар, сиёсий, хавфсизлик ва ташқи сиёсат бўйича ҳамкорлик механизмлари муҳим аҳамиятга эга. Туркий давлатлар ташкилоти каби тузилмалар бу жараён учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай институтлар ички рақобатни камайтириш, умумий манфаатларни мувофиқлаштириш ва ташқи кучлар таъсирига нисбатан барқарор позиция шакллантиришга ёрдам беради.

Иқтисодиёт, инновация, рақамлашув, технология, маданият ва ҳуқуқий стандартлар соҳаларида ҳам алоҳида ҳамкорлик институтларини ривожлантириш зарур. Улар туркий давлатлар ўртасида барқарор ва ишончли шериклик учун умумий ҳуқуқий ва ташкилий асос яратади.

Хулоса қилиб айтганда, туркий халқларнинг узоқ муддатли яқинлашуви ва ташқи геосиёсий босимларга нисбатан барқарор бўлиши учун рақамлашув, технологик ҳамкорлик ва институционал интеграция ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар бу йўналишлар уйғун ривожланса, туркий давлатлар Евроосиёда барқарор ва таъсирли ҳамкорлик маконини шакллантириши мумкин.

Ҳозирги шароитда туркий давлатлар ва халқлар учун зарур институционал тизимларни босқичма-босқич стратегия асосида яратиш мақсадга мувофиқ. Бу

жараён ташқи йирик кучлар босими, ички ресурслар чекланганлиги ва минтақавий манфаатлар мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Агар бу босқичлар изчил ва тизимли равишда бажарилса, туркий давлатлар барқарор, таъсирли ва интеграциялашган минтақавий макон шакллантириши мумкин.

Туркий дунёда яқинлашув самараси асосан икки омил уйғунлигига боғлиқ. Биринчиси – халқлар ўртасидаги маданий, тарихий, тилдошлик, таълим, медиа ва қадриятлар асосидаги яқинликдир. Иккинчиси – сиёсий институтлар ва давлатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликдир. Халқлар яқинлашуви узоқ муддатли ишонч ва ҳамжиҳатлик муҳитини яратади. Сиёсий ва институционал ҳамкорлик эса бу ишончни стратегияга айлантириб, уни амалий натижаларга йўналтиради, ташқи ва ички таҳдидларга нисбатан барқарорликни таъминлайди.

Демак, маданий яқинлик ва институционал ҳамкорлик уйғунлашган тақдирдагина туркий дунёда ички ишонч, иқтисодий ва технологик интеграция ҳамда ташқи геосиёсий босимларга барқарор позиция шаклланади. Бу жараёнда халқлар ўртасидаги яқинлашув “юмшоқ куч” сифатида умумий идрок, маданий ҳамжиҳатлик ва тилдошлик муҳитини мустаҳкамлайди. У иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорликни осонлаштириб, узоқ муддатли бирдамликка замин яратади.

Шу билан бирга, сиёсий институтлар ва давлатлараро ҳамкорлик “қатъий қудрат” сифатида стратегик қарорларни амалга ошириш, ташқи геосиёсий босимларга барқарор жавоб бериш ва умумий манфаатларни ҳимоя қилиш имконини беради. Институционал тизимлар иқтисодий интеграция, транспорт ва логистика, рақамлашув, технологик ҳамкорлик, киберхавфсизлик ва ҳуқуқий стандартлар асосида туркий дунёда барқарор яқинлашувни таъминлаши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, туркий халқлар тарихан кенг ҳудудларда тарқалган бўлса-да, бугунги глобал ва геосиёсий шароитда улар учун энг самарали стратегия ички бирдамлик, маданий яқинлик ва институционал

ҳамкорликни уйғунлаштиришдир. Фақат шу асосда туркий дунёда ишонч ва ҳамжиҳатлик муҳити, иқтисодий ва технологик устунлик, ташқи босимларга нисбатан барқарор стратегик позиция мустаҳкамланади. Бу эса Евроосиё ва жаҳон сиёсий майдонида туркий халқларнинг муносиб ва таъсирли мавқеини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абаза К. Завоевание Туркистана. -М.: «Центрполиграф», 2023.
2. Алимардонов Т. Амир Темур империяси. -Т.: Янги аср авлоди, 2021.
3. Бобоев Ҳ. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Ўқув қўлланма. 1-китоб. –Т.: Фан, 2004. –296 б.
4. Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. –Т.: Фан, 2007. –500 б.
5. Мехмед Йылмаз. Турция. Полная история страны. -М.: Издательство АСТ, 2023. -397 с.
6. Пастухов А. Цинское завоевание Восточного Туркестана (1758–1759 гг). https://www.academia.edu.
7. Питер Ҳопкирк. Катта ўйин: икки империя тўқнашуви. -Т.: Nihol, 2022. -744 б.
8. Рахманалиев Р. Империя тюрков. Великая цивилизация. Тюркские народы в мировой истории с X в. до н.э. по XX в. н.э. -М.: РИПОЛ Классик, 2022. – 1529 с.
9. Ravshanov F. Central Asia in modern geopolitics. Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. Volume 3, Issue 5, May – 2025. ISSN (E): 2938-3811
10. Ravshanov F. Turkiy Davlatlar Tashkiloti jahon maydonida. International Journal of Intellectual and Cultural Heritage Volume: 5. Issue: 01 | 2025.ISSN: P – 2181-2306, E – 2181-2314 http://ihm.iscience.uz/index.php/ijich